

## Хотирлаш қадрият нишони

☒ Мамлакатимизда умумхалқ байрами, 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон урушида ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини ёд этиш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ҳарбий кафедраси вакиллари жойларда «Аждодларни хотирлаш - муқаддас қадрият» мавзусида ўтказилаётган тадбирларнинг давоми сифатида 2005 йил 13 май куни Андижон шаҳрида юзага келган тартибсизликларни бартараф қилиш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидоийлик кўрсатгани учун II даражали Шоншараф ордени билан мукофотланган марҳум капитан Жўраев Баҳром Улуғбековичнинг ота-онаси истиқомат қиласиган хонадонга ташриф буюришди.

Хонадонда ташриф буюрганларни марҳум капитан Баҳром Жўраевнинг дадаси Улуғбек ака, онаси Ширин ая меҳмонларни илиқлиқ билан кутиб олиши. Қаҳрамоннинг ота-оналари Баҳромнинг ёшлиги қандай ўтганлигини, мактабда, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида таҳсил олган даврларини, кейинчалик эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар таркибида ҳарбий хизматни ўташ вақтидаги воқеаларни хотирладилар. Бир сўз билан айтганда хонадонга ташриф буюрган меҳмонлар ичida ҳарбий кафедрадан ташриф буюрган талабалар Нурсултон Ибрагимов, Обид Қулмуродовлар ўзлари учун керакли бўлган, яъни Ватан ҳимояси учун жонини ҳам аямайдиган фарзанднинг ота-оналарининг самимийлиги, улар тарбиялаган фарзанднинг нақадар камтарлиги тўғрисидаги маълумотларни эшишиб, чин юракдан Ватан ҳимоясига отланишга аҳд қилишни кўнглининг бир четига туғиб қўйганлигини уларнинг кўзларига қараб илғаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди. Шунингдек, тадбирда ҳарбий кафедра катта ўқитувчилари Қуролли Кучлар хизматчилари Наврӯзов Раҳмат Махмудович ҳамда Эргашев Ҳайдар Икрамовичлар (Андижон воқеалари иштирокчиси) қатнашишди.

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти  
ҳарбий кафедраси бошлиғи подполковник Р. Минлишев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**